



## DISTINCTIVE FEATURES OF THE SCHOLARLY HERITAGE OF THE SCHOLARS OF THE FERGANA SCHOOL OF FIQH

*Odiljon Koriyev*

*Head of the Department of Islamic Studies*

*Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan*

*Doctor of Historical Sciences*

*E-mail: [o.ahmad@mail.ru](mailto:o.ahmad@mail.ru)*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Fergana Valley, Middle Ages, urbanization process, ancient cities, archaeological research, Islamic sciences, Fergana scholarly school, fiqh, hadith studies, Islamic scholars.

**Received:** 02.03.26

**Accepted:** 03.03.26

**Published:** 04.03.26

**Abstract:** The Article is dedicated to the analysis of the role of scholars of the Fergana school of Fiqh in development of one of the most important Islamic sciences - Fiqh. It is well-known that, scientific heritage of the scientists from Maverannahr which had the enormous influence in formation and development of Hanafy Fiqh not only in the region, but also in all the Muslim world. Such representatives of Fergana school of Fiqh as Fakhruddin Kadykhan, who was awarded ranks as the mujtahid of the third degree, Burhanuddin al-Marginani whose book under name of "al-Hidaya" have been already remained for ages as the desk book for the Faqihs and scientists working on Islamic law. The typical differences of Fergana school that they are clear and suitable categorization of the legal norms by proving them with ayats of Qur'an and Sunna of the Prophet.

### ФАРҶОНА ФИҚҲ МАКТАБИ ОЛИМЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ АЛОҲИДА ХУСУСИЯТЛАРИ

*Одилжон Қориев*

*ЎЗР ФА Шарқшунослик институти исломишунослик бўлими мудири*

*тарих фанлари доктори*

*E-mail: [o.ahmad@mail.ru](mailto:o.ahmad@mail.ru)*

*Тошкент, Ўзбекистон*

---

**МАҚОЛА ҲАҚИДА**


---

**Калит сўзлар:** Фарғона водийси, ўрта асрлар, урбанизация жараёни, қадимий шаҳарлар, археологик тадқиқотлар, ислом илмлари, Фарғона илмий мактаби, фикҳ, ҳадис илми, ислом уламолари.

**Аннотация:** Мақола Фарғона фикҳ мактаби олимларининг энг талабгир ислом илмларида бири бўлган фикҳ ривожига ўрни ва роли таҳлилига бағишланган. Мовароуннаҳрлик олимларнинг илмий мероси нафақат минтақада, балки бутун мусулмон оламида ханафий фикҳининг шаклланиши ва ривожланишига улкан таъсир кўрсатгани ҳаммага маълум. Учинчи даражали мужтаҳид унвонига сазовор бўлган Фахриддин Қодихон, "ал-Ҳидоя" асари кўп асрлар давомида бутун дунё мусулмон ҳукуки олимлари учун дастуриламал бўлиб келаётган Бурҳониддин ал-Марғиноний каби Фарғона фикҳ мактаби вакиллари ушбу мактабнинг ёрқин намуналаридир. Фарғона фикҳ мактабига хос хусусият ҳукукий меъёрларнинг аниқ ва қулай классификацияси, уларни Қуръон оятлари ва Пайғамбар суннати билан асослашдан иборатдир.

---

**ОСОБЕННОСТИ НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ УЧЁНЫХ ФЕРГАНСКОЙ ШКОЛЫ  
ФИКХА**

**Одилжон Кориев**

*Заведующий отделом исламоведения*

*Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан*

*доктор исторических наук.*

*E-mail: [o.ahmad@mail.ru](mailto:o.ahmad@mail.ru)*

*Ташкент, Узбекистан*

---

**О СТАТЬЕ**


---

**Ключевые слова:** Ферганская долина, средние века, процесс урбанизации, древние города, археологические исследования, исламские науки, Ферганская научная школа, фикх, хадисоведение, исламские ученые.

**Аннотация:** Статья посвящена анализу места и роли ученых Ферганской школы фикха в развитии одной из наиболее востребованных исламских наук фикха. Общеизвестно что, научное наследие ученых, выходцев из Мавераннахра оказала огромное влияние в становлении и развитии ханафитского фикха не только в регионе, но и во всем мусульманском мире. Такие представители Ферганской школы фикха как Фахруддин Кадыхан, удостоенный звания мужтахида третьей степени, Бурхануддин ал-Маргинани, чей

---

труд под названием “ал-Хидайа” вот уже много веков остается настольной книгой факихов и ученых по мусульманскому праву по всему миру, являются яркими примерами данной школы. Характерной чертой Ферганской школы фикха является ясная и удобная классификация правовых норм, обоснования их аятами Корана и сунной Пророка.

---

Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда Бухоро, Самарқанд, Кеш каби ислом илмлари ва маданияти марказлари билан бир қаторда, Фарғона водийсидаги Марғилон, Ўзганд, Ахсикат, Ўш ва бошқа шаҳарлар алоҳида ўрин тутган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Фарғонада давлатчилик шаклланишининг илк босқичлари бронза даврига бориб тақалади. Хитой ёзма манбаларига кўра, милоддан аввалги II асрда Даванда (Фарғонада) 70 га яқин катта ва кичик шаҳарлар мавжуд бўлган. Уларнинг ҳаммаси ҳам шаҳар тоифасига кирмаган бўлиши мумкин. Бироқ, бу маълумотлар Фарғонада урбанизация жараёни ўсиб борганлигини кўрсатади ва у археологик-топографик тадқиқотлар натижалари билан тасдиқланади.

Фарғона водийсидаги қадимий шаҳар харобаларида ўтказилган археологик қазишмалар, хусусан, Султонобод I манзилгоҳи худудидан топилган сопол идиш парчасидаги ёзув бўлаги, илк ўрта асрларда Фарғонада оромий ёзувига асосланган ва маҳаллий тил хусусиятларига мослаштирилган ёзув мавжуд бўлганлигини исботлайди. Мутахассисларнинг фикрича, VII-VIII асрларда Фарғонада қадимги туркий рун ёзуви кенг тарқалган эди. Араблар кириб келган даврда Фарғонада сўғд ёзуви ҳам пайдо бўлди. Бироқ, бу Фарғонага сўғд аҳолисининг кўчиб келиши билан боғлиқ бўлиб, ундан айнан улар фойдаланишган.

Шу боис, қадимий ва бой маданий анъаналарга эга бўлган Фарғона водийсида ўрта асрларда йирик шаҳарлар қад кўтаргани ва уларда турли фанлар муваффақиятли ривожлангани асло таажжубланарли эмас. Масалан, Мақдисий водийдаги 40 та йирик ва ўрта шаҳарлар ҳақида хабар беради. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний (1113-1167) 9 та шаҳар, 7 та қишлоқ ва битта турар-жой мавзеси ҳақида маълумотларни келтиради. Улар орасида Андуқон, Газак, Заркан, Йадухкат, Навқад, Ламиш ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқлар бор. Замонавий тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Фарғона қадим замонлардан бери мамлакатимизнинг тарихий меросига салмоқли ҳисса қўшган муҳим худудларидан бири ҳисобланган.

Фарғона водийси қадимий аҳолисининг анъанавий маданиятида диний анъаналар, жумладан, илоҳиёт ва хусусан, ҳуқуқшунослик етакчи ўринни эгаллаган. Ушбу ҳуқуқий анъана хулқ-атвор меъёрларини, ижтимоий муносабатларни, маънавий-ахлоқий анъаналарни ва эстетик қарашларни тартибга солиб турган. Манбаларни ўрганиш натижалари ўрта асрларда бизга камроқ маълум бўлган, бироқ минтақада илм-фан ривожига муайян таъсир кўрсатган шаҳарлар мавжудлигидан далолат беради. Жумладан, Самъонийнинг "Китоб ал-ансоб" ва Ёқут ал-Ҳамавийнинг "Муъжам ал-булдон" асарларида Гандаб шаҳри ва Газак қишлоғи номлари тилга олинади. Агар араб тилидан "қишлоқ" деб таржима қилинадиган "қарйа" сўзи "шаҳар" маъносида ҳам ишлатилишини ҳисобга олсак (масалан, "Умм ал-Қуро" – Макка шаҳри), уларнинг шаҳар бўлганлиги эҳтимоли бор. Бошқа бир мисол – Андукон бўлиб, у илк ўрта асрларда кичик қишлоқ бўлган. Сўнгра XII асрнинг иккинчи ярмида, мўғул хонлари Хайду ва Тува даврида у шаҳарга айлантирилган ва XVIII аср бошигача бутун Фарғонанинг пойтахти бўлиб қолган.

Бундан ташқари, у ёки бу аҳоли пунктида туғилган олимларнинг исмлари ўша шаҳар ёки қишлоқларни машҳур қилган ҳолатлар ҳам бўлган. Натижада бу жойлар таниқли бўлиб қолган. Кўплаб манбаларда Марғилон ҳақида маълумотлар мавжуд. Масалан, Самъоний ўз китобида уни Фарғонанинг энг машҳур шаҳарларидан бири деб атайди. Ёқут ал-Ҳамавий ҳам шу маълумотни такрорлайди. Муқаддасий ҳам Марғилон шаҳри ҳақида маълумот беради. Фарғонада туғилган олимларнинг асосий қисми ўз илмий фаолиятини Мовароуннаҳрнинг ўша даврдаги Бухоро, Самарқанд, Марв каби илмий марказларида давом эттиришган. Бироқ, улар айнан Фарғона водийсида олим сифатида шаклланган ва Фарғона илмий мактаби вакиллари ҳисобланган.

Фарғона мактаби олимлари ислом илмларининг турли йўналишларида фаолият юритганлар. Масалан, Марғилонлик олимлар (Абдулазиз ибн Абдурраззоқ ал-Марғиноний (ваф. 1085), Заҳириддин ал-кабир ал-Марғиноний (ваф. 1113), Абу-л-Музаффар Баҳром ал-Марғиноний (ваф.1119) ва бошқалар), Бурҳониддин ал-Марғиноний (1118-1197) фақиҳ – мусулмон ҳуқуқи соҳасидаги олимлар эди. Фарғоналик олимлардан Раҳма ибн Раҳиб ал-Фарғоний (XI а.), Билол ибн Масъуд ал-Фарғоний, Умар ибн ал-Ҳусайн ан-Нукқодий ал-Фарғоний (ваф. 1128) ва бошқалар кўпроқ ҳадисшунос сифатида машҳур. Ахсикатлик олимларга келсак (Иброҳим ал-Ахсикатий, Абдуллоҳ ал-Ахсикатий (1069-1121), Абу-л-Вафо Муҳаммад ал-Ахсикатий (в. 1126), Асируддин ал-Ахсикатий (1108-1198) ва бошқалар), улар филология, тарих ва тилшунослик соҳасида ихтисослашган эдилар.

Фикҳга оид манбаларни ўрганиш натижалари минтақада ўзига хос фикҳ мактаби мавжуд бўлган деб айтишга асос беради. Бурҳониддин ал-Марғинович, Ҳасан ибн Абдулазиз ал-Марғинович (в. XII аср), Фаҳруддин Қодихон (в. 1197), Муҳаммад ибн ал-Ҳасан Бурҳонуддин ал-Косоний, Шамсулаимма Маҳмуд ал-Ўзгандий, Низомуддин ал-Фарғоний, Ҳусомуддин ал-Ахсикатий (ваф. 1240), Сирожуддин ал-Ўший (ваф. 1173), Заҳируддин ал-Марғинович каби олимларнинг илмий мероси маълум даражада бошқа минтақа фақиҳларининг асарларидан фарқ қилади. Бундан ташқари, манбалар Фарғона фикҳ мактабининг 30 дан ортиқ вакиллари ҳақида хабар беради, уларнинг асарларини тадқиқ этиш олдинда турган вазифалардан ҳисобланади.

Ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқишдаги илмий ёндашувнинг ўзига хослигини Фарғона фикҳ мактаби вакиллари мисолида кўриб чиқамиз. Бурҳониддин ал-Марғинович амалий мусулмон ҳуқуқи – "фуруъ ал-фикҳ" йўналишини, Сирожиддин ал-Ўший ислом фалсафасини ва ниҳоят Ҳусомиддин ал-Ахсикатий мусулмон ҳуқуқи асослари соҳаларида асарлар ёзганлар.

Бурҳониддин ал-Марғинович илмий меросини амалий фикҳ соҳасида: "Китоб мажмуъ ал-навозил" (Нозил бўлган масалалар тўплами), "Китоб ал-тажнис ва-л-мазид" (Сараланган ва қўшимча фатволар), "Китоб ал-фароиз" (Мерос илми китоби), "Бидоят ал-мубтадий" (Бошловчилар учун дастлабки таълим), "Кифоят ал-мунтаҳий" (Яқунловчилар учун етарли таълим), "ал-Ҳидоя фи шарҳ бидоят ал-мубтадий" (Бошловчилар учун дастлабки таълим шарҳи тўғри йўлга бошловчи китоб) каби асарлар ташкил қилади. Бу илм соҳасида алломанинг услубини ажралиб турадиган хусусияти – ҳуқуқий меъёрларнинг тегишли боблар бўйича аниқ ва қулай классификацияси, уларни Қуръон оятлари ва Пайғамбар суннати билан асослаш, мазҳаб асосчиларининг хулосалари билан тасдиқлаш, ҳамда бошқа мазҳаб олимларининг кўрсатмалари билан қиёсий таҳлил қилишдир. Муаллиф томонидан фикҳга оид асарларни ёзишда фойдаланилган адабиётларнинг хилма-хиллиги ва кенг қамровлиги алоҳида эътиборни тортади. Олимнинг илмий мероси илмий таҳлил ва қиёсий метод талабларига жавоб бериши билан бошқалардан ажралиб туради. Айнан шу мезонларга кўра, ал-Марғинович фикҳ илмини ривожланишнинг янги босқичига олиб чиққан, деб ҳисоблаш мумкин.

Фарғона мактабининг бошқа бир вакили Сирожиддин ал-Ўший қаламига "Фатово Сирожий" (Сирожуддин фатволари), "Ғура ал-ахбор ва дура ал-ашъар" (Сараланган хабарлар ва назмий марваридлар), "Нисоб ал-ахбор ли-тазкират ал-ахйор" (Танланган тазкираларнинг тикланган хабарлари), "Жавоҳир ал-аҳком" (Ҳукмларнинг моҳиятлари)

каби асарлар мансуб . Олимнинг фалсафий қарашларининг асосий ғоялари унинг "Фатово Сирожийя" асарида ўз аксини топган. Унда мусулмон олимлари нуқтаи назаридан борлик масалалари, маънавий ва моддийликка муносабат, тасодифийлик ва муқаррарлик, сабаб-оқибат боғланишлари ва бошқа фалсафий категориялар илмий таҳлил қилинган. Олимнинг фалсафий қарашларида билимга бўлган муносабат етакчи ўрин эгаллайди. Билим инсоният манфаати учун хизмат қилиши керак. Шунинг учун, олимнинг фикрича, билимнинг ўзи жонсиздир. Уни жонлантиришга фақат билим излаш орқали эришиш мумкин. Аммо изланишлар орқали олинган билим ҳам ҳали жуда заифдир. Уни доимий такомиллаштиришгина билимга куч беради. Етарлича кучли билим ҳам ҳали парда ортида қолади. Унинг намоён бўлиш усули – маслакдошлар ва муҳолифлар билан илмий мунозара ва баҳсларда иштирок этишдир. Бироқ билимнинг асосий мақсади ва самарасига фақат орттирилган кўникмалар ғояларига қатъий амал қилиш натижасидагина эришилади.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ахсикатий фикҳ илми асослари – "усул ал-фикҳ" соҳасидаги олимдир. Унинг илмий меросини "ал-Мухтасар фи усул ал-фикҳ" (Фикҳ илми асосларининг ихчам баёни), "Мифтоҳ ал-усул" (Фикҳ илми асослари калити), "Ғоят ат-тахқиқ" (Изланиш чўққиси), "Дақоик ал-усул ва-т-табйин" (Асос ва очиб беришнинг нозик жиҳатлар) каби асарлар ташкил қилади. Олимнинг асосий хизмати – мусулмон юриспруденцияси қоидаларини ишлаб чиқиш ва исломнинг бирламчи манбалари билан асослашда Абу Ҳанифа ҳуқуқий мактаби методларининг афзаллигини тақроран илмий тасдиқлаб берганлигидир.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, Фарғона водийсида мусулмон ҳуқуқини ишлаб чиқиш, асослаш ва амалий қўллашда минтақа учун хос бўлган илмий ёндашув устувор бўлган. Фикҳ илми ривождаги минтақавий ёндашувнинг алоҳида хусусияти, ханафий фикҳи талабларига қатъий риоя қилиш ва ушбу услубнинг фазилатларини муваффақиятли тасдиқлашдан намоён бўлди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдулгазиева Б. О письменности древней Ферганы. // Роль города Маргелана в истории мировой цивилизации. Ташкент-Маргилан. 2007. С.39-43.
2. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч.в 9 т. Т.І. М., 1963, с.214-216; он же, Фергана.// Соч.в 9 т. Т.ІІ. М., 1963, с.527-538.
3. Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шанья и Памиро-Алая // МИА, 26, М.-Л. 1952. С.217.

4. Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т.2. М.-Л. 1952. С.
5. Богомолов Г.И. К вопросу верованиях и культовых местах Ферганы. // Роль города Маргелана в истории мировой цивилизации. Ташкент-Маргилан. 2007. – С.93-97
6. Вали ад-дин Мухаммад Солих ал-Фарфур. Ал-Музхаб фи усул ал-мазхаб ала ал-мунтахаб. Дамаск , 1999, —Б.13.
7. Камолиддинов Ш.С. «Китаб ал-ансоб» Абу Саъда Абдалкарима ибн Мухаммада Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Ташкент, «Фан», 1993. – С.112
8. Махмуд Ҳасаний. Сирожуддин ал-Ўший-фақиҳ олим. Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2002й. №1. – Б. 18.
9. О.Қориев. Ал-Марғиноний-машхур фикҳшунос. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000, 46б.
10. Рахманов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўхна туркий- рун ёзувлари. Тошкент, 2006.
11. Hаjі Khalifa. Lexicon encyclopuedicum et bibliographicumТ. IV. London,1845, Pp358
12. Shamsaddin Abu Abdulah Muhammad ibn Ahmad al-Moqaddasi. Descripto imperii Moslemici / Ed. M. J. de Goeje, Lugduni Batavorum apud E.J.Brill, 1967. Bibliotheca geographorum arabicorum. III. 498 p
13. Сирожуддин ал-Ўший. Фатовойи Сирожиййа. Фонд рукописей ИВАН РУз. инв.№ 3009,
14. Хусомуддин ал-Ахсикатий. Ал-Мунтахаб ал-Хусомий.Фонд рукописей ИВАН РУз. инв.№ 12973/IV.